



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

БИР ТОМОНЛАМА ОВОЗ БОЙЛАМЛАРИ ПАРЕЗ/ПАРАЛИЧИДА ФОНЕАТРИК РЕАБИЛИТАЦИЯ

Т.ф.д., Тошкент тиббиёт академияси
«Оториноларингология ва Стоматология»
кафедраси Махамадаминова Шоира Абдувалиевна
+998 94 608 45 12

Махмудов Акмал Равшан ўғли
mrdaltonick@mail.ru
+998 99 869 78 24

Мақсад: Қуйидаги изланиш мақсади турли этиопатогенезли бир томонлама овоз бойламлари парез/параличида юзага келадиган дисфонияларни реабилитация мақсадида фонетрик машқларни ўтказиш.

Методлар:

Изланув давомида 15 та бемор қайт этилди. Барча беморларда ЛОР аъзолари кўриги ва билвосита видеоларингоскопия ўтказилди. Анамнестик ва клиник – инструментал текширувлар натижалари йиғилди ва анализ қилинди. Беморларда нафас ва фонетрик ва LaxVox машқлари ўтказилди.

Натижалар:

Фонетрик машқларни қўллаш ёрдамида турли келиб чиқишли дисфония/афонияларни бартараф этилди. Фонетрик машқлар 15 та беморда қўлланилди. Улардан 13 таси чап овоз бойлами парез/параличи, 2 та ўнг овоз бойлами парез/параличи кузатилади. Овоз бойлами парез/параличи билан беморлар 12 таси қалқонсимон беши хажмли



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

хосилалари туфайли турли хажмдаги жаррохлик амалиётларини ўтказган. 3 та беморда парез келиб чиқиши номалум бўлиб, идеопатик деб бахоланди. Овоз сифати 15 та бемордан 13 тасида 1 ой муддат давомида тўлиқ тикланди, барча беморларда тўғри нафас олишга ўргатилиб, овоз хосил бўлишида нафас тежамкорлигига эришилди; гапиришдаги хансираш йўқолди.

Хулосалар:

Овоз бойлами парез/параличи туфайли келиб чиққан дисфония аксарият сабаби қалқонсимон безда ўтказилган жаррохлик амалиётидир. Барча овоз бойлами парез/параличли беморлар овоз хириллаши билан бирга фонацияда нафас етишмаслигига ҳам шикоят қилишди. Овоз сифати 15 тадан 13 та беморда тўлиқ тикланди. Нафас ва фонеатрик машқлар курсидан сўнг фонацияда нафас тежамкорлиги ҳамма беморларда сезиларли яхшиланди.